

Qishloq HAYOTI


O'zbekiston
Respublikasi
ijtimoiy-iqtisodiy
gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 156 (7.149). Sotuvda erkin narxda



Фермерликдан бахт топди



Омондулла Равшанов том маънода бахтини фермерликдан топган инсон. У ер олиб, далада ишлаб кам бўлмади. Халол меҳнатлари билан эл назарига тушди.

— Аслида, ҳеч ким шон-шухрат учун ишламайди, — дейди фермер босиқлик билан. — Қилган камтарона меҳнатинг қадр топса, давлат раҳбари томонидан эътироф этилса... Очиги бундан ортқ бахт бўлмаса керак. Ўз касбинга меҳр-муҳаббатни ошириб юборар экан.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор Омондулла Равшанов бошлиқ "Равшан ота" фермер хўжалигининг ташкил этилганига қарий ўн йил бўлди. 80 гектар ташландик, ажриқ босиб ётган жойни гуллаб, бугунгидай унумдор, ҳосилдор ерга айлантиришнинг ўзи бўлмади. Фермер хўжалиги жамоаси сидқидилдан меҳнат қилишди. Мана, бугун роҳатию, баракасини кўришмоқда.

2006 йил "Равшан ота" фермер хўжалиги учун омадли келди. Муваффақиятларга бой бўлди. 24 гектар галла майдонидан 148 тонна хирмон кўтарди. 52 гектар пахта даласидан 191 тоннадан зиёд "оқ олтин" йиғиб-териб олиш, ҳосилдорликини 37 центнерга етказишди. Хуллас, жорий йилда ялпи даромад 57 миллион сўмни ташкил этган бўлса, шундан 24

ҳаяжон билан бир умр ёдимда қолади. Юртбошимиз мени байрам қатнашчиларига намуна қилиб кўрсатганларида эса юрагим ҳаяжондан ҳаприкиб кетди. Уша қадрдон далам, оилам, болаларим, жамоамиз аъзолари бир-бир кўзим олтидан ўта бошлади. Меҳнатга завқим ошди. Билдирилган юксак ишончга муносиб бўлишга, уни оқлаш-

шунингдек, занжирли тракторлар даламизда оғиримизни энгил қиляпти. Экиш сеялкаси, 3 та трактор тиркамаси, 2 та ҳайдов пługимиз бор. Иккинчиси, жамоамиз оила-аъзоларининг турмуш даражаси, фаровонлигини ошириш эди. Худога шукр, бу ниятга ҳам баҳоли қудрат етдик. Бугун 14 ишчининг ҳеч бири ҳаётдан нолимайди. Учинчи мақсадимиз, чорва фермасини ташкил этиш. Насиб бўлса, янги йилда куч-ғайратимизни шу ишга йўналтирамиз.

Эътироф этиш жоизки, Омондулла Равшанов саёбо ишни ҳам қанда қилмайди. Жорий йилда шифонага 1 миллион сўм ҳомийлик қилди. Кам таъминланган бир оилага ситир ҳадя этди. Бир неча оилаларни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва кийим-кечак билан таъминлашни ўз зиммасига олди.

— Шундай қунарлага етганимга шукрона айтаман, — дейди миллионер фермер. — Президентимизга, ҳукуматимизга раҳмат, барча шарт-шароитларни яратиб бераётганликлари учун. Мен бугун баралла айта оламанки, бахтимини фермерликдан, шу муқаддас она заминдан топдим!

Анвар ҚУЛМУРОДОВ, БАКРАМОВ олган сурат.



миллион сўми соф фойдади. Бир сўз билан айтганда, Омондулла фермер миллионер фермерга айланди. Энг асосийси, бу йил у "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор" унвонига сазовор бўлди.

— Оксарой қароргоҳида Президентимиз қўлидан юксак мукофотни қабул қилиб олаётган лаҳзаларим ўзгача ни дилимга тугдим. Инсон эзгу ниятлар билан яшайди. — Фермер хўжалигини ташкил этган чоғимизда олдимизга уч асосий мақсадни қўйганмиз, — дейди Республикада хизмат кўрсатган пахтакор. — Биринчиси, фаолиятимиз учун зарур техникаларни тўлиқ қилиб олиш. Бунга эришдик. "ТТЗ-80.11", "МТЗ-80.10" русумли,

Жараён

Бугунги кунда Асака туманида сойқ 9 та ширкат хўжалиги негизда 222 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2006 йил пахта хом ашёси-

Шартлашдингни, лабзингда тур

ни ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан ушбу фермерлар фаолияти бўйича текширишлар ўтказилди. Йиғим-терим мавсуми тугаб, галвир сувдан кўтарилди, ишлар сарҳисоб қилинмоқда. Текширишларда янги ташкил этилган айрим фермерлар томонидан ер, сув, ўғит ва ишчи кучидан унумли

фойдалана олмаганлиги сезилиб қолди. Натижада, қаловини топиб ишламаган ушбу фермерлар шартнома режасини қоплайдиган ҳосил етиштира олмадилар. Тумандаги 178 та фермер хўжалиги шартнома режаларини бажара олмади. Натижада, туман бўйича давлат-

га пахта сотиш режаси 74 фоизга бажарилди, холос. Жумладан, 2006 йилнинг январь, февраль ойларида 222 та фермер хўжаликлари билан "Асака-2" пахта тозалаш АЖ ўртасида давлат эхтиёжи учун пахта хом ашёси харид қилиш бўйича контрактация шартномаси тузилган бўлса-да, 170 та фермер хўжаликлари томонидан шартномавий режа бажарилмади. (Давоми 2-бетда)

Янги йил остонасидаги ўйлар

Кучоғингда ўсиб-унайин

Ўтаётган бу йил менинг ҳаётимда энг бахтли, омадли ва унутилмас бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Болалигимдан туғилиб ўсган она қишлоғим Наманган вилояти Чортоқ туманида жойлашган Гудриновнинг бекиёс гузалликлари, тарихий обидалари, муқаддас қадам-жолари, камтарин ва самимий инсонлари ҳақида ёзиш, шу мўъжазгина гўша мисолида, Она Ватанимга бўлган эҳтиромимни тараннум этиш энг юксак орзуларимдан бири эди. Бу орзуимга эришиш йўлида изландим, қишлоғимиз тарихига оид маълумотларни ўргандим. Ниҳоят бир неча йиллик изланишларим натижаси ўларок, "Гудринов қишлоғи" китоби дунёга келди. Изланишларим юксак эътироф этилиб, 2006 йилда таълим йўналиши бўйича Зулфия номидаги давлат мукофотиغا сазовор бўлдим. Бу истиклол берган инъом, Ватанимнинг сахийлиги, Юртбошимизнинг биз ёшларига кўрсатаётган ғамхўрлигининг намунаси эканлигини ҳис этаман. Бугун мен Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабасиман. Ўзим хоҳлаган касбининг соҳибаси бўлишга шижоат билан интиляман. Ҳаётимизга кириб келаётган яна бир янги йил остонасида туриб, шу азиз Ватанимнинг кучоқларидан ҳеч айро тушмай ҳаммиса унинг камолотига ҳисса қўшиб яшашни ният қилдим. **Хулқар СУЛАЙМОНОВА, "Зулфия" мукофоти совриндори.**

Унутилмас лаҳзалар

2006 йил мен учун ниҳоятда унутилмас бўлди. Январ ойида Италиянинг Комо шаҳридаги Дадоне галереясида "Орзу" номли шахсий кўргазмаим намоиш этишга эришдим. Ўша кўргазмаимнинг Олмота шаҳрида "Ўзбекистон манзаралари" номли яна бир кўргазма бўлди. Ватаним манзараларини чет элдаги муҳлисларга намоиш этиб, уларга жаннатонанд юртимнинг энг гузал манзараларини таништира олганимдан бахтиёрман. Бу йил хотирамда қолишига яна бир сабаб шундаки, она юртимнинг энг гузал манзараларини полотнода акс эттиришга эришдим. Туғилиб ўсган масканим кенгликларини чиқишни ёшлик чоғларимданқўз олдимга мақсад қилиб қўйгандим. Бу йил ана шу мақсадимга етдим. Шунингдек, республикамизда Фонд Форум томонидан ташкиллаштирилган танловда ўз асарларим билан иштирок этиб, "Замонавий санъат" йўналиши бўйича ғолиб бўлдим. Танловда намойиш қилган асарларим кўпчилигининг эътиборига сазовор бўлди. Айниқса, ўлкамиз табиати акс эттирилган пейзаж барчага маъқул келди. Томошабинлар кўзлариди ҳайрат ва юртим ҳуснига мафтун бўлган нигоҳларни қўриб ижодий меҳнатим беҳуда кетмаганидан қониқиб ҳосил қилдим. **Камолжон Бобоев, Камолиддин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси**

Бекиёс самара

2006 йилда Президентимизнинг 255-сонли қарори бўйича Китоб туманидаги 7 та ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжаликлари айлантилганлиги. Шундан 600 га яқини узумчиликка ихтисослашгандир. Айни пайтда туманимизда 6 та агрофирма ушбу фермер хўжаликлари етиштирган маҳсулотларни қабул қилиб олмақда. Бизнинг агрофирмаимиз ана шулардан бири. Агрофирмаимиз 150 та узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари билан шартнома имзолаган. Бу фермерларга талай қулайликлар яратди. Энг муҳими, улар пишқичлик мавсумида харидор қидириб юрмайди. Мижоз, хизмат кўрсатувчи билан йил бошида шартнома имзолаган. Демак, у маҳсулот савдосига ортқча вақт сарфламайди. Улар томонидан етиштирилган маҳсулотларни сотиб олиш ва қайта ишлаб қорқоналарига етказиб бериш бизнинг зиммасида. Агрофирмаимиз жорий йилда узумнинг яқин сақлашни, сифати бузилишмасдан қўзланган манзилга етиб бориши учун яшиқ

Йилнинг намунавий уюшмаси

Янги йилни ёрғ юз билан қарши олаётган деҳқонларимиз муваффақиятларида биз миробларнинг ҳам ҳиссаси каттадир. Чунки, сувни далага олиб келиш ва тақсимлаб беришдек масъулиятли вазифа биз мироблар зиммасида. "Турон-обихайт" сувдан фойдаланувчилар уюшмаимиз Пискент туманидаги "Ўзбекистон" фермерлар уюшмасида фаолият юритади. Уюшмаимиз 1168 гектар майдон ердаги 86 фермерга хизмат кўрсатади. Жорий йилда сувдан оқилана фойдаланишда бир қатор надижаларга эришдик. Шунингдек, ушбу йилда 84 та гидросуплар қўриб, уларнинг ишлаш фаолиятини яхшиладик. Айни пайтда техникамиз етарли. Барча ариқ ва зовурларни тозалаб мавсумга шай қилиб қўйдик. Жорий йилнинг декабрь ойида СФУмиз таж-

рибаси билан танишиш мақсадида республикамизнинг вилоятларидан келган вакиллар бизнинг уюшмаимизни намуна деб эътироф этишгани бизни яна ҳам ихломлантирди. Янги йилда ишларимизни яна ҳам такомиллаштириб, сувдан оқилана фойдаланишда бир қатор амалий ишларни қилишга бел боғлаганимиз. Шунингдек, бошқа СФУлар тажрибаси билан танишиш, техника борасида имкониятларимизни кенгайтириш, фермерлар билан ҳамжихатликни янада кучайтиришни режалаштирдик. Насиб бўлса, янги йилда деҳқонларимиз уяжак катта хирмонга ўз ҳиссамизни қўшиш учун бор имкониятларимизни сафарбар этамиз. **Халил КОСИМОВ, Пискент туманидаги "Турон-обихайт" СФУ раиси.**

«Қишлоқ ҳаёти» газетасига 2007 йил учун обуна бўлишни дунтмадингизми?

Газета нашр кўрсаткичи - 144

Бразилия деганда кўз олдимизга унинг хуштаъм кофеи келадди. Чунки бу юрт қаҳвади бутун оламга машҳур. Инчунун мазкур мамлакат бундай махсулот ишлаб чиқариш бўйича дунёда пешқадам ҳисобланади. Бундан ташқари, шакарка-

Бразилиялик олимлар ўзбек пахтасига ишқибоз

миш, апельсин етиштириш касбларимизнинг бу борадаги тажрибалар билан ўртоқлашдик. Бу беҳиз эмас. Негаки, Бразилия ҳам пахта толаси ишлаб чиқариш бўйича дунёда Ўзбекистондек биринчи ортиликдан жой олган. Хуллас, бу мамлакат таассуротлари, хусусан пахтачилиги тўғрисида Сиз - деҳқон ва фермерларга маълумот беришга илтиҳот. Дарвоқе, таширф асносида англадикки, сўнгги йилларда пахта ҳосилдорлиги уч баробарга ошди. (Давоми 2-бетда)

Оламда нима гап?

Бирни кўриб фикр қил

охириги йилларда бу давлатда пахта етиштириш ҳажми ҳам ўсиб борапти. Дейлик, 1996-1997 йиллари 657 миң гектар ерда гўза парваришланган бўлса, ҳозирда бу қўрсаткич 1180 миң гектарга етди. Биз Ўзбекистондан борган бир гуруҳ қишлоқ хўжалик ходимлари, селекционер олимлар бу юртининг пахтачи-



Сомалида "тозалаш" ишлари


Сомали ҳукумат кучлари мамлакатдаги жангариларнинг асосий маркази бўлиши Жовхар шаҳрини қўлга киритди.



Эфиопия армияси ҳамкорлигида Исломо суди иттифоқи қуроли гуруҳи (SICC) жангариларига қарши Сомалида бир неча кундан буён харбий амалиёт олиб боришмоқда. Хабарларга кўра, мингдан зиёд жангарилар йўқ қилинган ва 800 нафари қўлга олинган. Айтилган даврада гуруҳ тасарруфидоги яна бир йирик шаҳар Могадишода "тозалаш" амалиёти олиб боришмоқда.

Форд оламдан ўтди

АҚШнинг собиқ президенти Жеральд Форд 94 ёшда оламдан ўтди.



У охириги вақтларда пневмония ва юрак хасталиги билан оғриган. Хисоб бўйича Американинг 38-президенти Форд қайта сайланмаган ва узоқ умр кўрган Оқ Уйнинг ягона собиқ раҳбари санали. Жеральд Форд раҳбарлиги давридаги энг муҳим воқеа сифатида Вьетнам урушининг тўхтатилиши эдага олинади. У, шунингдек, омадди сийсатчи ҳам дейилади. Фордга бир неча суиқасд уюштирилган, ammo у бир марта ҳам тан жароҳати олмаган. Форд 1974 йил "Уотергейтс жанжали" туфайли истеъфога чиққан президент Ричард Никсон ўрнини эгаллайди. 1976 йилдаги сайловларда Жимми Картерга имкониятни бой беради.

Битта чақалоққа 25200 евро


Германия ҳукумати мамлакатдаги демографик инқирознинг олдини олишга қаратилган янги қарорни жорий этди.



2007 йил 1 январдан бошлаб чақалоқни дунёга келтирган ота-оналарга 25200 евро (33300 доллар) миқдорда пул мукофоти берилади. Бу пуллар бир йил давомида босқичма-босқич тўлаб берилади. Шу кунга қадар ота-оналарга янги туғилган фарзанд учун давлат томонидан бериладиган наблиғ миқдори 2700 евро (9472 доллар)ни ташкил этар эди. Ҳукуматнинг бундай қарорга келишига яқинда Германияда ўтказилган ижтимоий тадқиқотлар сабаб бўлди. Тадқиқот натижаларига кўра, Германиядаги ҳар бир аёлга 1,37 нафар бола туғри келар экан. Бу кўрсаткич жуда паст бўлиб, йил сайин туғилиш сони камайиб кетаётганидан дарак беради.

"Қора олтин" фожиаси

Нигерия пойтахти Лагосдаги йирик нефть қувирида юз берган портлаш оқибатида қурбон бўлганлар сони ортиб бормоқда.



Қизил хон ташкилоти маълумотларига кўра, воқеа жойининг ўзиде 300 га яқин одам ҳалок бўлган. Юзлаб одамлар оғир куйиш натижасида шифохонга ётқизилган. Ҳалок бўлганлар орасида аёллар ва ёш болалар борлиги айтилмоқда. Маҳаллий аҳоли вакиллари сўзларига кўра, анча вақтдан буён одамлар қувирига эришган жойидан нефть ўмариб келишган. Африкада нефть қазиб чиқариш бўйича етакчи ўринда турса-да, Нигерия қашоқлик ботқоқидан чиқа олмаяпти. "Қора олтин"нинг қашоқ аҳоли томонидан ўмарилиши оқибатида юз берадиган фожиалар Нигерияда тез-тез учраб туради. 1998 йил шундай воқеада бир ярим минг нигериялик қурбон бўлган эди.

"Парранда гриппи" қурбони


Мисрда инсон саломатлиги учун хавфли бўлган "Парранда гриппи" касаллиги навбатдаги қурбонни ҳаётдан олиб кетди.



Гария вилоятида ашосчи 26 ёшли Рид Фарид Абдул Ҳаким H5N1 вирусининг ўзиничи қурбонига айланди. Бундан аввал унинг икки оила аъзоси ушбу касаллик билан оғириб ҳаётдан кўз юмган. Абдул Ҳакимлар оиласи паррандачилик билан шуғулланиб келган. Миср ҳукумати касалликнинг кенг тарқалишига қўшма қўл қўйиб, кўп миқдордаги паррандаларни қурбон қилиш мақсадида фуқароларга паррандачилик билан шуғулланишни ман этиб қўйган. Аммо қишлоқ аҳолисининг асосий даромад манбаи паррандачилик бўлгани боис ақсарият одамлар ундан воз кеча олмаяптилар.

Саддамнинг видолашув хати

Ироқ собиқ раҳбари Саддам Хусайн ўз халқи билан видолашди.



Мамлакат суди Саддам устидан чиқарилган ҳукми ўзгармай қолганини маълум қилиб, унинг ижроси ўттиз кун ичида зарурий тадбирлар низоҳасига етказилган вақтдан бошлаб амалга оширилишини маълум қилди. Ироқ судининг ушбу қароридан сўнг Саддам Хусайн афс ҳақида умид қилиш бекор эканлигига амин бўлган ва Ироқ халқига видолашув нома йўллаган. "Баас" партияси сайтларига жойлаштирилган мактубда у шундай деган: "Мен ўзимни Ватан учун қурбон қилмоқдаман, агар менинг ўлимим билан Ироқда тинчлик қарор топса уни бошимни тик тутган ҳолда қутиб олам. Халқимга охириги сўзим шунки, сизнинг кўнглигиз бирликда". Утган ойда Саддам ва унинг икки издоши Дужайл қишлоғида 150 нафар одамни қатл қилишда айбланиб, осий орқали ўлим ҳазосига ҳукм этилган эди.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

(Боши 1-бетда) Натижада шартноманинг 5,2-бандига асосан туман прокуратураси томонидан топширилмай қолган пахта хом ашёсининг 25 фоизи миқдорда, яъни 377 миллион сўмдан зиёд жарима ундириши тўғрисида вилоят ҳўжалик судига 170 та даъво аризалар киритилиб, даъволар қаноатланганди.

Шартлашдингми, лабзингми, тур

Харид қилиш бўйича контрактация шартномаси тузилган бўлса-да, 2006 йил давомида экин майдонларига умуман пахта хом ашёси экмасдан ва бошқа экинлар экиб олганлиги шартнома талабларини қўпол тарзда бузиб, давлатга пахта хом ашёси сотмаганлиги сабабли фермер ҳўжаликлари мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, туман прокуратураси томонидан юқоридоги 8 та фермер ҳўжаликлари билан туман ҳокимлиги ўртасида тузилган "Ер участкаларини узоқ муддатга ижарага олиш тўғрисида"ги ижара шартномаси талабларини қўпол тарзда бузганликлари ҳолати юзасидан ижара шартномаларини бекор қилиш ва ерни қайтариб олиш ҳақида ҳўжалик судига даъво аризалар киритилиб, қаноатланганди.

Тумандаги мавжуд ақсарият, шартномавий режаларни ундайла олмайган фермер ҳўжаликлари томонидан туман ҳокими номига

ердан фойдаланиш тўғрисидаги шартнома бекор қилишни сўраб ёзган мурожаатларига асосан тузилган шартномалар бекор қилинди ва қайта танлов ўтказиш бўйича оммавий ахборот воситаларида эълонлар берилди.

Жорий йилда йўл қўйилган хато ва камчиликлар чуқур ўрганилиб, нўқсонлар бартараф этилмоқда. Ҳозирги кунда туман фермер ҳўжаликлари томонидан майдонларга бошоқли дон экинлари муддатларда экилиб, тўлиқ ундириб олинди.

Халқимиз "Деҳқончиликнинг боши – шудгор", деб бежиз айтмаган. Туманимиз фермер ҳўжаликлари ўтган йилда йўл қўйган хато ва камчиликлардан тегишли хулосалар чиқариб олишиб, астойдил меҳнат қилишмоқда. Мавжуд 6100 гектар ер майдони сифатли шудгордан чиқарилди, пушта олиш ишлари давом эттирилмоқда. Ирригация ва мелiorация шохобчаларида кузги ва қишқи тадбирлар ўз муддатига амалга оширилмоқда.

Фермерлик ҳаракати янги мулк шакли сифатида қишлоқ ҳўжалигида етакчи кучга айланмоқда. Ҳар қандай аниқлик эса ўзига осонлик билан йўл очган эмас. Бу йўлда хатоликлар, камчиликлар, қаршиликлар бўлиши табиий. Лекин бир нарсани аниқлик, фермерлик баракага, мўл даромадга, фаровон турмушга йўл очиши шак-шубҳасиздир.

Аксилжон КАРИМОВ, Асака туман прокурори.

Хабарлар

Қутлуғ сана арафасида

Ватанимиз сарҳадларини қўриқлашдек шарафли ишда Миллий армиямизнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Яқин кунларда мамлакатимизда Куролли Кучларимиз ташкил топганлигининг 15 йиллиги кенг нишонланади.

Маълумки, ҳар йили Ватан ҳимоячилари кўни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда анъанавий равишда оммавий ватанпарварлик тадбирлари ойлани ўтказиб келинади. Бу йилги ватанпарварлик ойлани алоҳида кўтаринчилик билан давом этмоқда. 2006 йил 14 декабрдан бошланган байрам тадбирлари ҳозирда республикамизнинг турли жойларида мунтазам ташкиллаштирилмоқда.

Бундай тадбирларда алоҳида ютуқлари учун давлат мукофоти билан тақдирланган ҳарбий хизматчилар, ўз бурчини бажариш вақтида ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оила аъзоларига чексиз эътибор ва эҳтиром кўрсатилиб, уларнинг кўпчилиги ўрдак бўлгунлик ишлари яна бир бор эътироф этилмоқда.

Кўни кеча Марказий офицерлар саройида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказилган давра суҳбатиде ана шулар ҳақида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Орузул РУСТАМОВА

Қалб саховати

"2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили"да "Экосан" Халқаро ташкилоти томонидан "Энг муруватли қўшни" шiori остида "Қўшни қўшини!" қўриқ-танлови эълон қилинганди.

Ушбу қўриқ-танловнинг вилоятлардаги қолибларини аниқлаш давом этмоқда. Ташкилотчилар Фарғона вилоятида саъй-ҳаракатларни алоҳида қайд этишиб, ҳайъат қарори бўйича Ақромжон Қодиров ҳамюртларига қўрсатган эзгу ишлари боис танлов қолиби, деб топилди.

Ҳозирда у раҳбарлик қилаётган "Монитор" хусусий шифохонасида жароҳлик, реанимация, физиотерапия, лаборатория, диагностика бўлимлари мавжуд. Шу кунгача бир 3000 нафардан ортиқ бемор жароҳлик йўли билан даволанган. Ушбу шифохона 18-умумтаълим мактабига 1 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами билан қўрсатди. Шифо маскани ходимлари 2006 йилнинг ўтган даврида 5 миллион сўмлик қажин бепул хизмат кўрсатишди. Шунингдек, "Монитор" хусусий шифохонаси Туроқ қишлоғини ичимлик суви билан таъминлаш учун ҳам 100 метр сув қувури олиб берди.

Мирқарим МИРСОВУРОВ, "Экосан" халқаро ташкилоти маслаҳатчиси.



Б.АКРАМОВ олган сурат.

Бразилиялик олимлар ўзбек пахтасига ишқибоз

нишга рухсат берилган. Бразилияда гўза агротехникасининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Пахта йиғиб-териб олингандан сўнг гўза пояси ер юзасидан 10-15 см баландида майданлашиб, тупроқ юзасида қолдириллади. Қолган қисқа поялардан 10-15 кун ичида янги барглари ўсиб чиқади, ер эгалари бу баргларни йўқотиш мақсадида гербицид қўлайди. "Нега керак бундай ортиқча ташвиш?" таъжубимизни яшира олмадик. Маҳаллий фермерларнинг айтишларича, ўсимлик ва тупроқда ҳар хил касаллик инфекцияси тўпланишининг олдини олиш мақсадида пахта кўлланилар экан. Чўнки, Бразилия ўсимлик ва тупроғида жуда кўп инфекция касалликлар бўлиб, бир гектар майдонда гўза парвариши давомида, касаллик ва хашаротларга қарши курашишда минг долларгача сарф-ҳаражат қилинади.

Гўзалар қолдирилганда барглари қуритилгандан сўнг африка ўти-блокария, серго ёки соя каби оралик экинлар экилади. Фермерлар бу ўтларга 1-1,5 ой давомида молларини боқади ва яна далага гербицид сепади, сўнгра 15 ноябрдан 15 декабргача бўлган муддатда ерга ишлов бермасдан чигит экилади. Негаки, Бразилияда октябрь ойидан то майгача ёмғирлар мавсуми ҳисобланади. Бундан қўнғилар мақсад, тупроқ эрозиясининг олдини олишдан иборат. Маълумот ўрнида айтиш керакики, у ерда ёзги юқори ҳарорат (декабрь, январь, февраль) 35-40 даража, кечалари 24-26 даража иссиқни ташкил этади. Қиш ойлари эса (июнь-август) кундузи +24+28, кечаси 18-20 даража илқ бўлади.

"Фазенда Калифорния" (Гайана) раҳбари ҳам чигитни 15 ноябрдан то 15 декабргача қаторлар ораларини 90 см қилиб қадабди. Уруғлик чигит гектарига бор-йўри 12-15 килограмм эса

сарфланган. Бунинг сабаби саккиз қаторли сеялка ёрдамида очилган ёриқларга чигит битталаб ташланади. Бу фермер Бразилияда ақсарият фермерлар сингари "Дельта Пайн" компаниясининг "Дельта опал" гўза навини экибди. Мазкур нав Бразилияда гўза майдонларининг 60-80 фоизда парваришланар экан. Қолган қисмига "Акала-90" нави қаддашади.

Ушбу гўза навларининг асосий хусусиятлари шунда эканики, Бразилиянинг денгиз сатҳидан 1000 метр ва ундан ҳам баландидаги минтақаларида экиннинг ўсув даври – 180-220 кун, водий қисмида эса – 160-180 кунни ташкил этади.

Фермерлар гўзанинг вегетация даврини қис-

Яхоб суви – мўл ҳосил гарови

Бог ва тоқзорлар келгуси йил яхши ривожланиши, мўл ҳосил бериши учун куз-қиш мавсумида тупроқда намлик захираси тўпланган бўлиши керак. Бунинг учун соҳибкор богонлар боғларини ноябрь-февраль ойларида 2-3 марта сугориши зарур.

Кузги-қишқи сугоришларнинг аҳамияти бекиёс. Аввало, тупроқни совутиди, ток ва дарактларни эрта уйғонишидан сақлайди. Бундан ташқари, яхоб сувидан қониб ичган боғларда зараркундалар тўлиқ нобуд бўлади. Айнисса, шартли сугориладиган боғларга, қурғоқчил ва шағалли тупроқларда, шунингдек, сув тақчил бўладиган ҳудудларда яхоб суви яхши наф беради.

Ушбу муҳим агротехник тадбирни ўтказиш учун ариқлар МПВ машинасида 15-25 см чуқурликда, 35-40 см кенликда очилиб сув қўйилади. Сугоришнинг давомийлиги тупроқнинг механик таркибига қараб белгиланади. Яъни, сув оғир тупроқларда 20 соат, енгил эса 10-15 соат ўсимлик илдизи 1,5-2 метрлик тупроқ қатлами намланиши учун етарли. Шу тариқа, сув ер қатламларига сингиб, захира нам ҳосил қилади.

Қишқи сугориш оғир тупроқларда 2 марта, енгил тупроқларда эса 3 марта ўтказилади. Мазкур тадбир натижасида тупроқнинг сув режими нормалашади. Усиш даврининг биринчи ярида физиологик жараёнлар яхши кечади. Таърибаларга қараганда, боғларда тупроқни ағдармасдан 40-45 см чуқурликда юмшатиб, органик ва минерал ўғитлар солиш ҳам қўнғилган самарани беради. Чўнки тупроқ чуқур юмшатиш, сув ва ҳаво режими яхшиланиб, қатламларда етарли миқдорда нам тўпланишига ҳамда сақланишига ёрдам беради. Бу усул, айнисса, лалмикор бог ва тоқзорларга қони фойда.

Бог ва тоқзорларда гектарига 250-280 килограмм фосфор, 150 килограмм калий, 20-30 тонна маҳаллий ўғитлар бериш тупроқнинг биологик хусусиятларини фаоллаштирилади. Натижада, ўсимликларнинг тупроқдаги сув ва озик моддаларидан фойдаланиши яхшиланади. Ушбу юмшлар айнаи шу кунларда баҳариланади. Ахир, қиш фасли ҳам иш фасли, деб бежиз айтилмаган-да.

Маҳдий РАЗЗОҚОВ



Маҳдий РАЗЗОҚОВ

Мақсад – аҳолига қулайлик яратиш

Истеъмолчи сифатида савдо дўконларига тез-тез ишимиз тушиб туради. Албатта, ҳар бир харидор ортиқча чиқимсиз сифатли маҳсулотни ўзига яқин бўлган дўкондан харид қилиши истайди.

Ҳар қадамда савдо дўконлари бўлган шаҳарларда бу муаммо аллақачон ўз ечимини топган. Лекин олис қишлоқ ва овулларда аҳолига савдо хизматини ташкил этиш ҳамон кўнгилдагидея эмас.

Чўнки савдо билан шуғулланувчи хусусий тадиркорлар ўз фаолиятларини кўпроқ туман марказларида ёки аҳоли анча зич жойлашган ҳудудларда олиб борадилар. Олис қишлоқларга мол олиб борган тадбиркор ҳам йўл харажатларига ортиқча маблағ сарфлаганини рўқач қилиб, маҳсулотнинг харид нарҳини бир-неча баробарга ошириб юборди. Бундан қишлоқ аҳолисининг моддий манфаатига зиён етатгани бор гап.

Шунинг учун ҳозирда савдо соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, улгуржи савдо тизимини янада такомиллаштириш, улгуржи, чакана савдо билан истеъмол товарлари иш-корхоналар қарор шартнобатлар учун яратилиши, аҳолига савдо хизмати кўрсатиш сифатини ошириш долзарб масалалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 февралдаги "Улгуржи ва чакана савдо эркинлаштириш ва уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича чоралар тўғрисида"ги Фармонининг мазмун моҳияти ҳам айнаи шу масалага қаратилган.

Маълумки, Тошкент вилояти Охангарон туманидаги қўнғина қишлоқлар бориш анча мушкул бўлган тоғли ҳудудларда жойлашган. Ушбу қишлоқлар аҳолисига етарли ва сифатли савдо хизматини ташкил этиш учун, аввало, ушбу ҳудудларда фаолият кўрсатувчи корхоналарга қандайдир имтиёзлар берилиши керак.

Шу мақсадда туман солиқ давлат инспекциясидан рўйхатдан ўтган Қурама ҚФЙда жойлашган "Чотқол матлубот савдо" шўъба корхонасига мулк солиғи бўйича имтиёз берилди. Шунингдек, иқтисослаштирилган улгуржи база идоралари ва уларнинг ҳудудий базалари ҳамда бориш қийин ва тоғли ҳудудларда фаолият кўрсатувчи савдо корхоналари беш йил муддатга мулк солиғи тўлашдан озод қилинди. Жорий йилнинг 1 апрелдан бошлаб уларни рўйхатга олиш йўғини суммаси битта энг кам иш ҳақи миқдорида белгиланди.

Солиқ инспекцияси томонидан чакана савдо корхоналарини, айнисса, қишлоқ, тоғли ҳудудларда жойлашган савдо корхоналарда тузилган шартномаларни назарда тутилган ҳажми ва турдаги истеъмол моллари билан барқарор таъминлаш ҳолати ҳам назорат қилиб боришмоқда.

Олиб борилаётган ишлар олис қишлоқ ва овулларда истиколат қилувчи аҳолига ҳам савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, уларни қулайлик эҳтиёж учун зарур бўлган маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилган.

А.ЖўРАЕВ, Охангарон туман ДСИ бошлиғи.

Қорақалпоғистон томонларида

Халқ қаҳрамони хотираси

Қорақалпоқ халқ қаҳрамони Ерназар Олакўз таваллудига 200 йил тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлимида "Ерназар Олакўзнинг Қорақалпоғистон тарихидаги роли" мавзусида илмий конференция ўтказилди.

Тадбирда халқ қаҳрамонининг бостини ўрнатиш, унинг хотирасига турли спорт мусобақалари ўтказиш, кенг тарғибот ишларини олиб бориш тақлифлари ўртага ташланди.

Комедия муваффақияти

Таниқли қорақалпоқ сатирик ёзувчиси Сайловбой Жумагуловнинг "Қувингани бериб тур!" мусиқали комедияси Қирғизистон Республикаси Уш мусиқали драма театрида сахналаштирилиб, айнаи кунларда муваффақиятли намойиш этилмоқда.

Ёзувчининг "Экстраенс" комедияси илгари Туркменистон Республикаси театрларида ҳам сахналаштирилган эди.

Университет жамоаси

Қораўзақ туманида вoleyбол бўйича Қорақалпоғистон биринчилиги бўлиб ўтди. Шаҳар ва туманлардан келган ўн икки жамоа аъзолари уч кун давомида биринчилик учун кураш олиб боришди. Мусобақа якунида 1-урин Нукус Давлат университети, 2-урин Ажиниёз номидаги педагогика институти, 3-урин Қораўзақ тумани жамоасига nasib өтди.

Истеъодлар орамизда

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мактаблар ўртасида "Республика умумтаълим мактаблари театри" танлови ўтказилди. Унда барча вилоятлар мактаблари қатори Нукусдаги Ажиниёз номидаги 18-сонли мактабнинг "Нурли авлод" тўғраги истеъодли ўқувчилари ҳам муваффақиятли қатнашди.

"Гиёвандлик XXI асрнинг хавфли касалиғи" деб номланган саҳна кўринишини намойиш этган мазкур мактаб ўқувчилари танловда иккинчи ўринни эгаллашди.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Азиз ватандошларимизни

2007 — Янги йил байрами билан самимий қутлаб, уларга сиҳат-саломатлик, ишларида улкан ютуқлар тилаймиз.

“Чирчиқ Электрокимёсаноат” ОАЖ ҳамда “Олмалиқ аммофос” ОАЖ жамоалари.



Ўзбекистон – Австрия қўшма корхонаси

мамлакатимиз халқини 2007 – Янги йил байрами билан самимий муборакбод этади!

Кириб келаётган йилда тadbиркорлик ҳамда

республиканинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш

борасида ўзбекистонлик ва хорижий ишбилармонлар

билан олиб борилаётган хайрли ишларимиз

баракали бўлсин!



2007 йил 15 январда Республика кўчмас мулк биржа савдосига чиқарилаётган давлат корхоналари, объектлари (улуш, мол-мулклари) рўйхати

№	Мулкнинг номи	Савдога қўйилган улуш, %	Тармоқ	Худуд	Мулкнинг бошланғич нархи (миң сўм)
1	“Ширин шаҳар КФБ” га қарашли “Тез тиббий ёрдам” биноси	100	бошқалар	Сирдарё вилояти	74 615,600
2	“Ширин шаҳар КФБ” га қарашли “Хаммом” биноси	100	бошқалар	Сирдарё вилояти	56 472,600
3	Янгиер шаҳар “УПТК Ирмонтаж”нинг маъмурий ва омборхона биноси	100	хоқимият	Сирдарё вилояти	3 899,700
4	“Ховос туман КФБ” МЧК	97,0	хоқимият	Сирдарё вилояти	14 504,100
5	“Сирдарё туман КФБ” МЧК	25,0	хоқимият	Сирдарё вилояти	17 063,300
6	Чирчиқ шаҳар, А.Навоний кўчаси, 9-уйнинг 1-қаватида жойлашган 54-сонли дўкон (ер майдондан ташқари)	100	бошқалар	Тошкент вилояти	53 080,163
7	Чирчиқ шаҳар, А.Навоний кўчаси, 7-уйнинг 1-қаватида жойлашган 53-сонли дўкон (ер майдондан ташқари)	100	бошқалар	Тошкент вилояти	66 078,297
8	Чирчиқ шаҳар, А.Навоний кўчаси, 7-уйнинг 1-қаватида жойлашган 7-сонли нон дўкон (ер майдондан ташқари)	100	бошқалар	Тошкент вилояти	6 861,753

Кўшимча маълумотлар учун телефонлар: 139-20-29, 139-21-78, 139-22-37, 139-14-84 ёки қуйидаги манзил бўйича: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй.



Республика Акциядорлик Тижорат “Ғаллабанк”

мустақил республикамизнинг барча аҳолисини ҳамда ўзининг доимий мижозларини кириб келаётган янги — 2007 йил билан муборакбод этади! 2007 йил “Ижтимоий ҳимоя йили” да ҳар бир оиллага тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, бахт-саодат тилайди ҳамда мингғий валютада қуйидаги муддатли ва жамғармали янги жозибадор омонат турларини таклиф этади:

“МУКОФОТ” омонат турига маблағлар 2 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шarti билан қабул қилиниб, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 100 миң сўм.

омонат турига маблағлар 3 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шarti билан қабул қилиниб, фоизлар омонат қўйилган куни, яъни олдиндан тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 500 миң сўм.

“SOVG’A”

“МЕНН” омонат турига маблағлар 6 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шarti билан қабул қилиниб, омонат фоизлари ҳар ойда тўлаб берилади. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 100 миң сўм.

омонат турига маблағлар 11 ой сақлаш ва йиллик 18 фоиз устама тўлаш шarti билан қабул қилиниб, дастлабки қўйилган омонат устига хоҳлаган вақтда қўшимча маблағ қўйиш мумкин. Омонатнинг бошланғич энг кам миқдори 100 миң сўм қилиб белгиланган.

“МО’ЖИЗА”

Омонатлар банкнинг барча филиалларида қабул қилинади. Барча мижозларнинг маблағларини хатарсиз сақлаб, ҳисобланган фоизлари билан ўз муддатида қайтарилиши ҳамда унинг қатъий сир сақланиши “Ғаллабанк” томонидан кафолатланади. “ҒАЛЛАБАНК” омонатлари — келуси даромадларингиз кафолатидир!

“Ғаллабанк” хонадонингизга барака келтирсин!



Yangi yilingiz qutlug' bo'lsin, Aziz yurtdoshlar!

Хизматлар лицензияланган

SPORT O'LAMIDA

Радкевич "Урал" да қолди

Ўзбекистон терма жамоасининг ҳимоячиси Владимир Радкевич амалдаги клуби "Урал" (Екатеринбург) да қоладиган бўлди.

Жамоа раҳбарлари томонидан трансферга қўйилган футболчилар рўйхати Владимир киритилмаган. Йил якулига буйича "Урал"нинг энг яхши футболчиларини аниқлаш сўрономасида терма жамоамиз аъзоси 21-урини эгаллаган.

Россияда тўп сураётган футболчиларимиздан яна бири Андрей Фёдоров ҳам ўз клубида фаолиятини давом эттирди. Тахрибали ҳимоячи билан "Рубин" раҳбарлари янги шартномани имзолаш арафасида. "Советский спорт"нинг хабар беришича, 35 ёшли терма жамоамиз сардорининг ҳаракатларидан Қозон клуби раҳбарларининг кўнгли тўлган.

Шу ўринда таъкидлаб ўтамиз, Андрей Фёдоров жорий мавсумдаги кўлаб учрашуларда жамоа сардори сифатида футболчиларини майдонга бошлаб чиқди.

Андрей футболчилик фаолиятини бундан 20 йил аввал Кўкнинг "Автомобилчи" клубида бошлагани. 1992-97 йилларда "Нефтчи" шарафини ҳимоя қилган Фёдоров 1998 йили Россиянинг "Алания" клубига йўл олган. Ҳозиргача Россияда фаолият юритаётган футболчимиз "Балтика" клуби шарафини ҳам ҳимоя қилган.



Лондоннинг "Челси" клуби бош мураббийи Жозе Моуриньо Жаҳон ва Европа чемпионати саралаш баҳсларига ўзгариш киритиш таклифи билан чиқди.

Португалиялик мутахассиснинг сўзларига кўра, саралаш босқичининг ҳар бир гуруҳидан кўпи билан тўрт жамоа жой олиши лозим.

Моуриньо ҳаддидан ошди

Кучсиз терма жамоалар, мисол учун, Қозғистон, Сан-Марино ва Андорра... кабилар бир-бирлари билан уйнаша, кифоя. Агар шундай бўлса, футболчиларнинг жароҳат олиши ҳолатлари камайд. Англия - Андорра, Португалия - Сан-Марино уйини деярли ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Кучсиз терма жамоалар футболчилари номдор рақибларга қарши уйинларда кўлаб кўполликлар ишлатишади. Натижада, етакчи чарм тўп усталари жиддий жароҳат олишади. Менинг фикримча, саралаш босқичида ҳар бир терма жамоанинг 14-16 уйинда майдонга тушиши мантиқсиз ҳолат, - дейди Моуриньо.

Даромадли баҳс

Оскар Де Ла Хойя ва Флойд Мейвезер "жанг"и ташкилотчилари бу беллашув бокс тарихидаги энг даромадли бўлишини айтишмоқда.

2007 йилнинг 5 майда ўтказилиши режалаштирилган мазкур "муштлашув"нинг энг арзон чипта баҳоси 350 АҚШ доллари этиб белгиланган. Рингга яқинроқ ўтирмакчи бўлган бокс ихлосмандлари эса 2000 АҚШ доллари тўлаша, кифоя. Лекин бу нархлар ошиши айтилмоқда. Қисқаси, "жанг" раҳнамолари чипта савдосининг ўзидан 18 миллион АҚШ доллари даромад кўришади.

"Associated Press"нинг маълум қилишича, айни дамгача бокс баҳслари чипта савдосидан энг кўп (16,5 миллион АҚШ доллари) даромад 1999 йил бўлиб ўтган Леннокс Льюис ва Эвандер Холифильд ўртасидаги такрорий "жанг"да қайд этилган.



Скопья шаҳрида бразилиялик чарм тўп устаси вафот этди. "Победа" клуби ҳужумчиси бўлган Рожерио Оливейранинг ўлими сабаби ҳозиргача ошкор қилинмаган. Лекин македониялик журналистлар уни гиёҳванд моддалар таъсирида бевақт ҳаётдан кўз юмганини айтишмоқда.

Етакчисидан айрилди

Оливейра ўз фаолиятини "Победа" клубида бошлаган. 1998-1999 йилларда у мамлакатнинг энг яхши тўпурари бўлган ва энг яхши хорижлик футболчи сифатида эътироф этилган. Шунингдек, у "Работнички", "Вардар", "Трабзонспор", "Антверпен" ва "Янина" (Греция) клубларида тўп сурган. Жорий мавсум бошида Оливейра яна "Победа"га қайтган. Лекин алкоғол ичимликлари ва гиёҳванд моддалар таъсиридан қутула олмай, мазмунли уйин намойиш эта олмаётган.

Оливейра икки фарзанднинг отаси эди. Бундан уч ой олдин тузилган боласини эса ҳали кўришга ҳам улгурмаганди.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

ЎЗПАХТАСАНОАТ УЮШМАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар "Пахтасаноат" бирлашмалари, пахта тозалаш корхоналари ва тармоқнинг барча ташкилотлари жамоалари номидан мамлакатимиз деҳқонларини, селекционерларни, тўқимачилик саноати ходимларини, хорижий ҳамкорларни, барча юртдошларимизни Янги - 2007 йил билан чин дилдан қутлайди.

Президентимиз томонидан "Илтимойи ҳимоя йили" деб эълон қилинган йилда мустакил мамлакатимизнинг барча фуқароларига тани сижатлик, кўзлаган орзу-ниятларига етишишларида омад, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик, кут-бафака тилаймиз.

Тошкентда ўтказилаётган, анъанага айланган Халқаро пахта ярмаркасида хориж мамлакатлари томонидан мамнуният билан харид қилинаётган ўзбек пахтасининг шон-шўхрати бундан кейин ҳам янада ошаверсин!

Таълим

Камолотга интилиб

Мамлакатимиз таълим тизимида амалга ошириладиган ислохотлар ўзининг ижобий самараларини бераётганига бугун барчамиз гувоҳимиз.

Хусусан, ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаларининг ўтган қисқа давр мобайнида тизимда ўз ўрнига эга бўлган, бу ўқув даргоҳларига интилиш органини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда бундай муассасалар юртимизда маълум қичик мутахассисларни тайёрлаб етказишнинг муҳим омил бўлмоқда.

Сурхондарё вилоятидаги 2001 йилда ташкил этилган Термиз банк коллежи ҳам барча қулайликлар яратилган замонавий ўқув даргоҳидир.

Айни пайтда бу ерда тахсил олаётган мингдан зиёд талабаларга ўз ишининг фидойилари бўлган 40 нафар педагог сабоқ бермоқда, - дейди коллеж директори, иқтисод фанлари номзоди Урол Қайомов. - Сайдулла Мустанов, Холиёр Бойматов каби ўсозлар нафақат ҳамкасблари, балки талабалар учун ҳам ўрнак бўлмоқда. Марказий банк тасарруфидаги коллежимизда ёшларнинг пухта билим олишлари учун яратилган шарт-шароитлар бўлажак банк ходимларини етук мутахассис этиб тайёрлаш имконини бермоқда.

Эл-юрт хизматида камарбаста бўлган мазкур таълим муассасасида ўқишга бўлган иштиёқни бу ерга катта орозулар билан келаётган ёшлар тимсолида кўриш мумкин.

С.ЖУМАЕВ

Анжуман

Маънавият - келажак пойдевори

Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармаси ва Китоб тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида "Маънавият - келажак пойдевори" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Унда насасфлик аллома "Абул Музин ан-Насафий асарларидаги инсоний ғоялар", "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий тадбирлар аҳамияти"га доир мавзулардаги маърузалар тингланди.

Анжуманда Китоб туманидаги Хожа Бухорий ислом билим юртининг кутубхона фондида сақланаётган қадимий кўлемлар билан атрофлича таништирилди.

Фахриддин БОЗОРОВ, "Кишлоқ ҳаёти" муҳбири.

Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги жамоаси "Ўзпахтасаноат" уюшмаси бошқаруви раиси Э.З.Закриёевга ораси МАЪСУДАХОН АЯНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги жамоаси вазирлик касаба уюшмаси раиси У.Тожиқўжаевга укаси Бахтиёр ТОЖИХЎЖАЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Актив-брокер" Давлат унитар-корхонаси жамоаси шу корхона ходими Зуфар Ашуровга отаси Рухилла АШУРОВНИНГ бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республикамизнинг энг йирик ва универсал банкларидан бири

Акциядорлик Тижорат

"Пахта Банк"

Ўз акциядорларини ва мижозларини, бутун Ўзбекистон халқини янги 2007 йил билан чин дилдан табриклаб, жисмоний шахслар учун тақдим этувчига номинал қиймати 10000 сўм бўлган депозит (омонат) сертификатларини таклиф этади.

Ушбу депозит сертификатлари буйича 3 ойлик муддатга йиллик 18 фоиз ҳисобидан даромад тўланади. Ҳукумат қарори билан депозит (омонат) сертификатлардан оладиган даромадингиз солиқдан озод этилганлигини маълум қиламиз.

Сиз ушбу омонат депозит сертификатларини 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб "Пахта Банк"нинг исталган филиалидан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумот олишингиз учун қуйидаги телефон орқали мурожаат этишингиз мумкин: (83712) 1732551.

"Пахта Банк"

фаровонлигингиз калитидир!

<p>Бош муҳаррир</p> <p>Ўткир РАҲМАТ</p>	<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Саид АХМАД, Ағитай АДИЛОВ, Уктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОҲОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУХАММАД.</p>	<p>МУАССИСЛАР:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР:</p> <p>Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87</p>	<p>ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Наманган - 8-366-22-60-525; Самарқанд - 8-369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Сурхондарё - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.</p>	<p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар</p> <p>h - тижорат мақола</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p>	<p>Навбатчи: Ш.САНАЕВ</p> <p>Саҳифаловчилар: Р.ЕДГОРОВ, А.САФОНОВ</p> <p>Мусаххач: С.ИСЛОМОВ</p>
--	---	---	---	---	---	--	---